



ИСЛОМ ТАРИХИГА ОИД ИЛК МАНБАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Агзамова Муҳаббатхон Миртохировна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

“Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш

ISESCO” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

ag.muhabbat@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7397111>

ARTICLE INFO

Received: 19th November 2022

Accepted: 28th November 2022

Online: 30th November 2022

KEY WORDS

Ислом тарихи, анбиё, муаррих, манба, мухтасар, муфассал, муаллиф, тасниф, набий, аллома, таъвил, суннат.

ABSTRACT

Дастлабки даврларда мусулмон халқлари орасида тарих соҳасига оид жанрларнинг шаклланишига бир қанча омиллар таъсир қилган. Ислом тарихнавислигини шаклланиши жараёнида соҳага оид сияр ва мағозий, табақот ва тарожим, тарих, насабнома, вафаёт, фихрист, саёҳатнома ва жоҳилия даври манбалари каби тарихий анъана ва воқеалар ҳақида хабар берадиган асарлар ёзилди. Илк даврларда ҳар бир жамиятда бўлгани каби оғзаки нақл ва ривоятлар ёзма тарихнависликнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилди.

Исломнинг дастлабки даврларидаги тадқиқотлар асосан библиографик маълумотларда баён этилди. III/XI асрдан бошлаб соҳага оид кўплаб асарлар ёзила бошланди. Бу даврда умумий тадқиқотлар билан бир қаторда бир миллат ёки минтақа тарихини ўрганиш ҳам кўзга ташлана бошлади. Муаррихлар бу борада турли усулларни қўллашган бўлиб, уларнинг баъзилари ўз мамлакатларига оид воқеаларни баён этган бўлсалар, бошқалари турли тоифадаги олимлар, шоирлар, таниқли амалдорлар ёки подшоҳликлар ўтмишини ўрганишган.

Дастлабки даврларда араб тарихчилари “ахборий”лар яъни “хабарчи”лар деб номланиб, улар асосан оғзаки нақлга таянган ҳолда тарихий воқеаларни баён қилишган. Ахборийларнинг араб подшоҳлари, араб ва форслар

ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги маълумотлари кўпинча гувоҳи бўлган шахслар томонидан оғзаки етиб келганлиги сабабли, ишончли манба сифатида қаралган¹.

Араблар исломдан олдин тарихга ўзига хос тарзда ёндашиб, уларнинг фикрига кўра, ота-боболарининг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи ўзига ва фарзандларига таъсир кўрсатиши ҳақида қараш мавжуд эди. Яҳудий қабилалар билан қўшни яшаган араб оила ва қабилаларда насл-насабни тўғри билиш, асраб-авайлашга катта эътибор берилган. Араблар тарихга ўтмиш ва ҳозирги замон ўртасида мустаҳкам боғлиқлик борлигига ишонган ҳамда инсон ҳаётининг

¹ А.Ҳасанов. Илк ислом тарихидан маърузалар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 23-24.



ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қараган. Шунинг учун, исломгача бўлган араб тарихшунослиги “كتاب الأنساب” – (насаблар китоби) ва “أيام العرب” – (араб кунлари) йўналишида ривожланган. Араблар ўтмишни доимий эслаб қолиш учун насл-насаб билимига, миллий маънавий қадриятларни ҳимоя қилиш, урф-одат ва анъаналарни билишга алоҳида аҳамият берганлар. “أيام العرب” – (араб кунлари) ҳам авлоддан-авлодга оғзаки тарзда ўтиб келган.

“Тарих” фани арабларда фан сифатида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган ҳолда, оғзаки ривоятларга асосланган ҳолда ривожланди. Исломнинг илк давридаги оғзаки тарихнавислик билан жоҳилия давридаги насабнома жанри ўртасида шакл ва услуб жиҳатдан ўхшашлик мавжуд бўлса-да, исломгача бўлган арабларнинг “хронологияси” ўртасида боғлиқлик мавжуд. Чунки жоҳилият даври тарихшунослиги қисса, масал тарзида бўлиб, илк ислом даврида сийрат ва мағозий услубида асарлар ёзилди. Бу манбаларда пешқадамлар муҳаддислар бўлганликлари учун иснод ва матн услубида воқеалар баён этиш ҳолати устуворлик қилди.

Саҳобалар даврида тарих соҳасига оид китоблар ёзилмаган, лекин баъзилар ўзлари топган маълумотларни ёзиб, шогирдларига етказганлар. Тобеинлар даврига келиб, ислом тарихи мавзулар ва тадрижийликка кўра тартибланиб, илк “Сийрат ва мағозий” жанридаги асарлар ёзилди.

Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадислари ва аввалги ўтган Пайғамбар ва солиҳ кишиларнинг ибратли қиссаларини келтириш, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаёт йўли ва турмуш тарзларини ривоят тарзида баён этилиши соҳа ривожига

муҳим ўрин тутди. Қадимги арабларда ўзига хос тарздаги хотирада сақлаш қобилияти, нотиклик, шеърят ва насл-насабдан фахрланиш каби бир қатор хусусиятларда ўзига хос ўрин эгаллади. Турли тарихий ривоятлар, хабарлар, ҳикоялар билан биргаликда кундалик турмуш тарзида рўй бераётган воқеалар, хусусан, қурилиш, аскарлар ҳаёти, турли ҳужжатлар, ёзишмалар, шахслар туғилиши ва ўлимига оид маълумотлар, халифа, қози, фасл амирларининг ҳаж вақтидаги ваколати каби бир қатор ҳолатлар тарих соҳасига оид асарларда баён этила бошланди.

Форс, юнон, сурёний тиллардаги китобларнинг таржима қилиниши турли ҳудудларга саёҳатларни кўпайишига таъсир қилди. Бунинг натижасида ўзи шоҳид бўлмаган ҳудудлар, халқлар, цивилизациялар ҳақида ёзма манбаларнинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди. Сийрат асарларининг вужудга келишида муҳим омилларга назар солсак, диний, сиёсий ва ижтимоий сабаблар таъсир этганлигини кўрамиз. Бу сабаблар орасида Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёт йўли, турмуш тарзини ўрганиш, Қуръони каримнинг тафсири ва ҳадисларнинг жамланиши, илк фикҳий қарашлар ислом тарихининг шаклланишига таъсир қилган.

Сиёсий қарама-қаршиликлар сифатида бошланган воқеалар вақт ўтиши билан диний кўринишга айланиб, зиддиятларни келтириб чиқарган тенденцияларни ўрганиш заруратини келтириб чиқарди. Шунингдек, ҳар бир мазҳаб ўз қарашларини Муҳаммад (с.а.в.) га боғлашлари соҳа ривожига таъсирни янада оширди.



Ҳижрий III асрнинг илк даврида барча илмларда ривоятларнинг санадига эътибор кучайди. Бу даврда яшаган ислом тарихнавислари санад услубида тарихий воқеаларни келтирдилар. Аср охирида ривоятдаги санадлар қисқа тарзда, манба ва асарга мурожаат қилиш йўли билан баён этилди. Бу даврдан бошлаб оғзаки ривоятлар, ёзма ривоятлар, шартнома матнлари, мактублар каби манбалар билан алмаштирилди².

Дастлабки даврларда мусулмон халқлари орасида тарих соҳасига оид жанрларнинг шаклланишига бир қанча омиллар таъсир қилган. Бунга асосий манба сифатида Қуръони каримда келтирилган қиссалар, аввалги Пайғамбар ва қавмлар тарихига оид воқеаларни ўрганиш натижасида турли ривоятлар жамланишига оид ҳолатни келтириш мумкин. Қуръони каримда инсонларни ўтмишдаги воқеаларни ўрганиш орқали улардан ибрат олишга оид бир қатор оятларнинг келтирилиши ҳам бунга таъсир қилган омиллардан ҳисобланади.

Ислом тарихшунослиги соҳаси шаклланиши ва ривожланиш жараёнида юзага келган жанрлар турлича бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади.

Сийрат ва мағозий тури – пайғамбар (с.а.в.) турмуш тарзи баёни келтирилган жанр бўлиб, бундай асарлар туфайли ислом тарихшунослигида илмий ёндашувнинг бошланиши ва биографик асарларни ёзишга замин яратиб берди.

² Иқром Зиё Умарий. Ас-сийрат ан-набавия ас-саҳиҳа. – Мадина: Мактаба ал-улум, 1994. – Ж. I. – Б. 16.

Вақт ўтиши билан сийрат³ жанридаги асарларнинг муқаддима қисмига аввалги пайғамбарлар ҳақидаги маълумотлар қўшилди. Аввал ўтган пайғамбарлар ҳаёти, Муҳаммад (с.а.в.) турмуш тарзи ва хулафои рошидинлар даври қўшилиб, янгича тарихий асар ёзиш услуби намоён бўлди. Бу каби услубда биринчилардан Ибн Исҳоқнинг “Китоб сийра” асари эътироф этиб келинади. Ибн Исҳоқ замондошларидан кўра кенгроқ билимга эга бўлган ҳолда, ўз асарини уч қисмга ажратади. Биринчи қисм – Одам (а.с.) замонидан Муҳаммад (с.а.в.)га қадар бўлган давр, охириги икки бобда Муҳаммад (с.а.в.) ҳаёти, Макка даври ва Мадина даврига оид тарихий жараёнлар баёни келтирилган. Демак, айтиш мумкинки, сийрат ва мағозий жанрида ёзиш дастлаб Ибн Исҳоқ (ваф. 151/768 й.)дан бошланган дейишимиз мумкин⁴. Ушбу туркумдаги асарларга Ибн Исҳоқ (ваф. 151/768 й.)нинг “Китоб сийра”, Воқидий (ваф. 207/822 й.)нинг “Китоб ал-мағозий”, Ибн Ҳишом (ваф. 218/833 й.)нинг “ас-Сийра ан-набавия”, Ибн Ҳиббон (ваф. 354/965 й.)нинг “ас-Сийра ан-набавия ва аҳбар ал-хулафо” асарларини киритиш мумкин.

Табақот ва тарожим тури – ислом тарихнависида бу турдаги асарлар муҳаддислар, муфассирлар, муаррихлар, мутасаввифлар каби турли касб ва гуруҳларга тегишли одамларнинг ҳаётий ҳикоялари баёни келтирилган

³ Сийрат – бир неча асрлар давомида оғзаки сўзлар, жумладан, исломнинг дастлабки даврларига оид ҳадислар, хабарлар, ёзувлар ва ривоятлар каби маълумотларни жамлаш, тартибга солиш ва таснифлаш орқали яратилган динни ўрганиш соҳаси.

⁴ Mustafa Fayda, “Ibn Ishak”, DiA, Istanbul 1999, XX, 93-96



асарлар ҳисобланади. Хусусан, бу туркумдаги асарларга Ибн Саъд (ваф. 230/844 й.)нинг “ат-Табакот ал-кубро”, Халифа ибн Ҳаййот (ваф. 240/854 й.)нинг “Китоб ат-табакот”, Ибн Қутайба (ваф. 276/889 й.)нинг “ат-Табакот аш-шуаро”, Ибн Ҳиббон (ваф. 354/965 й.)нинг “Тарих ас-саҳоба”, Шамсуддин Заҳабий (ваф. 748/1347 й.)нинг “Сияр аълом ан-нубало” асарларини келтириш мумкин.

Тарихнинг умумий тури – дастлабки ислом тарихнавислиги сифатида намоён бўлган мағозий жанридаги асарлар кенгайиб кейинги давр муаррихлари томонидан қўшимча маълумотлар киритилди. Ибн Исҳоқнинг “Китоб сийра” асарини тўлдириб кейинги давр муаррихларидан Муҳаммад ибн Умар Воқидий (ваф. 207/822 й.)нинг ислом тарихига оид асари “Китоб ал-мағозий” деб номланса-да, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар билан бирга хулафои рошидин даври ва ундан кейинги тарихий воқеалар баёни келтирилади. Умумий тарих китобларида келтирилган маълумотлар ислом тарихига оид воқеалар билан қўшилиб, сийрат, мағозий, ансоб, насабнома, ҳадис ва тарихий ривоятларни ўз ичига олган асарлар вужудга кела бошлади. Тарихчи Яъқубий (ваф. 292/905 й.) ва Масъудий (ваф. 349/956 й.) ислом тарихнавислигини ривожлантириб, кейинги давр тарихий жараёнларни ўз ичига олган асарлар ёздилар.

Яъқубийнинг “Китоб ал-булдон” ва Табарийнинг “Тарих ар-русул вал-мулук” каби асарлар қадимий мамлакатларнинг географик ҳолати, йирик шаҳарлари ва аҳолиси, уларнинг

турмуш тарзи, машғулоти, карвон йўллари, урушлар, ғалаёнлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётига доир турли маълумотлар баён этилган. Табарийнинг тарихий воқеаларни хронологик тарзда баён этиши кейинчалик соҳада янгича услубда асарлар ёзилишига таъсир этди. Хронология баробарида айни мавзудаги ҳодисаларни бир сарлавҳа остида қаламга олиши кейинги давр муаллифлари ижодига таъсир кўрсатган, улар ҳам айни услубдан фойдаланишга уринишган. Айниқса, бу услуб маълум тарихий даврга жойлаштириш мушкул бўлган маълумотларнинг таснифида самарали фойдаланилган.

Табарийнинг ҳижратдан кейинги йиллар кетма-кетлигида келтирилган тарихий воқеалар баёни кейинги давр тарихчилари учун мумтоз намунага айланди. Ибн Мискавайҳ (ваф. 421/1030 й.) ва Ибн Асир каби муаррихлар Табарийга таяниб ўз асарларини ёзган. Ибн Жавзий (ваф. 597/1200 й.), Абул Фидо (ваф. 732/1331 й.), Ибн Касир (ваф. 774/1373 й.), Ибн Халдун (ваф. 808/1406 й.), Айний (ваф. 855/1451 й.) каби кўплаб муаррихлар шу услубда ислом тарихига оид асарлар ёзганлар⁵. Демак, кейинчалик Табарийга таяниб ўз асарларини ёзган бўлсалар, бошқа бир гуруҳ олимлар Табарий “Тарих ар-русул вал-мулук” асарини давоми сифатида ўз асарларини ёзган⁶.

Вафоёт тури – табакот ва тарожим асарлари билан қисман ўхшаш “Вафоёт” китобларида машҳур одамларнинг ҳаёти ҳикоялари тилга олинган бўлса-

⁵ Gholam Rasul, The Origin and Development of Muslim Historiography, 30-41.

⁶ Gibb, Islām Medeniyeti Üzerine Araştırmalar, 135



да, асосий жиҳати машҳур шахсларнинг ўлим саналарини қайд этилишига оид асарлардан ҳисобланади. Бу турдаги асарларга Ибн Ҳалликон (ваф. 684/1282 й.)нинг “Вафоёт ал-аъён” асари, Ибн Шокир Кутбий (ваф. 764/1362 й.)нинг “Ал-вафий би ал-вафаёт” асарлари киритилиб, бу асарларда келтирилган маълумотлар вақт ўтиши билан умумий тарихга киритиб борилди. Ибн Жавзий (ваф. 597/1200 й.), Ибн Асир (ваф. 630/1233 й.), Заҳабий (ваф. 748/1347 й.), Ибн Касир (ваф. 774/1373 й.) каби кўплаб тарихчилар асарларида тарихий жараёнлар баёни келтирилиб, ҳар бир йил охирида ўша йилда вафот этган одамлар ҳақида маълумотларни бериб ўтади. Бу туркумда Ибн Ҳалликон (ваф. 681/1282 й.) – “Вафоёт ал-аъён”, Абдуллоҳ ибн Сафадий (ваф. 764/1363 й.) – “Ал-вафий би ал-вафият” каби асарлар ёзган.

Насаб тури – исломдан аввал яшаган қабилалараро рақобат туфайли кейинги даврларда насабга катта эътибор беришган. Шу даврга хос насабга оид маълумотлар оғзаки тарзда авлоддан-авлодга етказилган бўлиб, хулафои рошидинлардан Умар (р.а.) даврида мусулмонларнинг девонда рўйхатга олиш вазифаси белгиланган. Никоҳ, мерос ва вақф масалаларида насабни билишга эҳтиёж пайдо бўлиши, насабнома асарларни ёзишга эҳтиёжни оширди. Ушбу туркумда Мусъаб Зубайр (ваф. 236/850 й.)нинг “Китоб ал-насаби Қурайш”, Балазурий (ваф. 279/892 й.)нинг “Ансаб ал-ашраф”, Ибн Ҳазм (ваф. 456/1063 й.)нинг “Жумхурат ашъар ал-араб” асарлари мавжуд.

Футуҳот тури – хулафои рошидин давридаги фатҳлар, фатҳ жараёнидаги тарихий воқеалар, қўмондонлар

ҳақидаги маълумотлар, босиб олинган ҳудудларнинг географик ҳолати каби кўплаб маълумотларни ўз ичига олади. Воқидий (ваф. 207/822 й.)нинг “Футуҳ аш-Шом”, Ибн Абдулҳаким (ваф. 257/871 й.)нинг “Футуҳ Миср вал ахбариха”, Балазурий (ваф. 279/892 й.)нинг “Футуҳ ал-булдон”, Ибн Аъсам Куфий (ваф. 314/926 й.)нинг “Китоб ал-футуҳ”, Язид ибн Муҳаммад Аздий (ваф. 334/945 й.)нинг “Футуҳ аш-Шом” каби асарлар ушбу услубда ёзилган.

Вилоят ва шаҳарлар тарихи – тарихшуносликда муҳим ўрин тутган бундай асарларда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва илмий соҳаларда шаҳар ёки минтақанинг ўрни ва салоҳияти муҳокама қилинади⁷. Бу туркумдаги асарларга Ҳасан Басрий (ваф. 110/728 й.)нинг “Фазилат ал-мусаввара фи Маккат ал-Мукаррам”, Абдуллоҳ Азрақий (ваф. 222/837 й.)нинг “Тарих Макка”, Ибн Шабба (ваф. 262/876 й.)нинг “Тарих ал-Мадина ал-Мунаввара”, Муҳаммад Аздий (ваф. 334/945 й.)нинг “Тарих ал-Мавсил”, Наршахий (ваф. 348/959 й.)нинг “Тарихи Бухоро”, Хатиб Бағдодий (ваф. 463/1070 й.)нинг “Тарихи Бағдод”, Ибн Ҳаййон (ваф. 469/1076 й.)нинг “Китоб ал-мактабати фий тарих ар-рижол Андалусий”, Ибн Асокир (ваф. 571/1175 й.)нинг “Тарих ал-Дамашқ” асарларини келтириш мумкин.

Адабий китоблар – ўзига хос маданий тарихга эга адабий китоблар, насихатлар, машҳур кишиларнинг васиятлари ва шеърлари каби мавзуларни ўз ичига олади. Бу туркумда Жоҳиз (ваф. 255/869 й.)нинг “ал-Баён ва ат-табйин”, Ибн Умайр Мубаррад (ваф.

⁷ Goldziher I., *Klasik Arap Literaturü*, çev. Azmi Yüksel-Rahmi Er, Ankara 1993. 139-141.



285/898 й.)нинг “ал-Комил фи ал-луға ва ал-адаб”, Ибн Дурайд (ваф. 321/933 й.)нинг “Иштиқоқ”, Исфаҳоний (ваф.356/957 й.)нинг “Китоб ағаний”, Ёқут Ҳамавий (ваф. 626/1229)нинг “Муъжам ал-удабо”, Шаҳобиддин Нувайрий (ваф. 732/1332 й.)нинг “Ниҳоят ал-араб фи фунун ал-адаб” номли асарлар ёзган. Ушбу арабларнинг урф-одатлари, байрамлар, шоирлар, машхур одамлар ва воқеалар ҳақида маълумотлар берилган.

Географияга оид асарлар – ушбу турга кирган китобларда фақат жой номлари ва худудлар ҳақида эмас, воқеалар, тарихий мавзулар ҳақида маълумотлар келади. Ушбу туркумдаги асарлар тарихий китобларда воқеа-ҳодисалар содир бўлган жойлар ҳақида берилган маълумотларни тўлдиради. Ўрта асрларда ушбу услубда Ибн Хурдадбеҳ (ваф. 280/893 й.)нинг “Китоб ал-масалик ва ал-мамалик”, Ибн Хавқал (ваф. 287/900 й.)нинг “Сурат ал-ард”, Ибн ал-Фақиҳ (ваф. 289/902 й.)нинг “Китоб ал-булдон”, Истахрий (ваф. IX-X)нинг “ал-Масалик ва ал-мамалик”, Ёқут Ҳамавий (ваф. 626/1229 й.)нинг “Муъжам ал-булдон” асарлари мавжуд. Шамоил китоблари – Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаёти, хулқ-атвори, жисмоний хусусиятларини тасвирлайдиган китоблар киради. Ушбу туркумга Термизий (ваф. 279/892 й.)нинг “аш-Шамоил ал-Муҳаммадия”,

Ҳусайн ибн Масъуд Бағавий (ваф. 516/1122 й.)нинг “ал-Анвор фи шамоил ан-набий ал-мухтор”, Абулфидо ибн Касир (ваф. 774/1373 й.)нинг “Шамоил ар-расул” каби асарлар киради.

Юқорида санаб ўтилган турли жанрлардаги тарихга оид асарлар ўз даврининг урф-одатлари, бой тарихий маълумотлар ва материалларини ўзида жамлаган. Бу каби манбалар туркумида ҳозирга қадар жуда кўп асарлар ёзилган бўлиб, уларда берилган қимматли маълумотлар тарихшунослик соҳаси ривожига улкан ҳисса қўшган деб баҳолаш мумкин.

Ислом тарихи бирдан шаклланган эмас, илмлар ўз-ўзини тўлдириш учун жараён талаб қилганидек, ислом тарихи соҳаси ҳам маълум бир даврни босиб ўтди. Тарихчи ўздан аввалги тарихга оид тадқиқотларни ҳисобга олган ҳолда ўз изланишларини давом эттирар экан, ўздан кейинги тарихчиларга ҳам аввалги тарихчилар таъсир этади. Шунинг учун, ислом тарихи шаклланишида арабларда кенг тарқалган оғзаки ривоят анъанаси, шеърлар ва иснод тизими исломдан кейинги даврда ҳам давом этганлигини кузатамиз. Бунга қўшимча равишда айтишимиз мумкинки, исломгача бўлган даврга оид баъзи мифологик ривоятлар исломдан кейинги даврларда ҳам манба сифатида тилга олинган.

References:

1. А.Ҳасанов. Илк ислом тарихидан маърузалар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017.
2. Абдуазиз Салом. Аттарих вал муваррихул араб. – Байрут: Лубнан, 2003.
3. Икром Зиё Умарий. Ас-сийрат ан-набавия ас-саҳиҳа. – Мадина: Мактаба ал-улум, 1994.
4. Mustafa Fayda, “İbn İshak”, DİA, İstanbul 1999, XX, 93-96
5. Goldziher I., Klasik Arap Literatürü, çev. Azmi Yüksel-Rahmi Er, Ankara 1993.



6. Саййид Яъқуб Бакр. Тарих ал-адаб ал-арабий. – Қоҳира: Дор ал-маъориф, 1119/1707.
7. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna (2020) About the persian translation of "Tarikh ar-rusul val muluk" *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal* 10 (6), 416-419. Available at: <https://saarj.com/wp-content/uploads/ACADEMICIA-JUNE-2020-FULL-JOURNAL.pdf> Article DOI: <http://dx.doi.org/10.5958/2249-7137.2020.00634.5>
8. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna. The Scientific Legacy Of Abu Ja'far Muhammad Ibn Jarir Tabari. *The light of Islam*. Volume 2022, Issue 1, Article 4 , 33-39. Available at: https://uzjournals.edu.uz/cgi/view_content.cgi?article=1363&context=iaiu
9. Dr. Durbek A. Rakhimdjano, Muhammadamin B. Karimov. Abu Hafs Nasafi and Science of Hadith. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*. Volume: 4, 399-402. Available at: <https://emjms.academicjournal.io/index.php/emjms/article/view/104/92>
10. Tuychieva Nilufar Makhsudjonovna. Coverage of the Activities of the Qalandar in the Sources and Literature. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*. Volume: 4, 797-803. Available at: <https://emjms.academicjournal.io/index.php/emjms/article/view/186/170>
11. Tuychieva Nilufar Makhsudjonovna. Adabiy Manbalarda Qalandar obrazining yoritilishi. *Innovative Developments and research in Education International scientific-online conference*. Part 4, 114-120. Available at: <https://zenodo.org/record/6377270>
12. Doniyor Muratov Maxamatvaliyevich. Ilk Islom Davrida Hadislarning Tarqalishi. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* VOLUME 2 | ISSUE 5 ISSN 2181-178, 127-131. Available at: https://www.oriens.uz/media/journalarticles/15._Дониёр_Муратов_127-131.pdf
13. Doniyor Muratov Maxamatvaliyevich. The Science of Hadith in Movarounnahr in the IX-X Centuries. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*. Volume: 6, 437-445. Available at: <https://emjms.academicjournal.io/index.php/emjms/article/view/423/536>
14. Ismoilov Mas'udxon Maxdiyevich. O'zbekistonda Tasavvufning O'rganilishiga Doir. *International Conference on Multidimensional Research and Innovative Technological Analyses*. 169-172. Available at: <http://www.conferenceseries.info/index.php/ICMRITA/article/view/211/184>
15. Khakimova Nigora Alisherovna. The concept of human interest in jurisprudential principles: al-Qaffal al-Shashi's approach. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*. Vol. 12, Issue 04, April 2022. ISSN: 2249-7315, SJIF 2022 = 8.625. DOI: 10.5958/2249-7315.2022.00181.2 <https://aijsh.com/wp-content/uploads/2022/05/4.47-Khakimova-Nigora-Alisherovna-FULL.pdf>